Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

№ 15 (466) 2021 йил 26 февраль, жума

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

## СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

UZBUNYODKOR · t.me/uzbunyodkor · uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.



Шу куннинг гаплари

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрида **йўл-транспорт тизимини яхшилаш ва янги йўллар қурилишига** оид лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Наманган шаҳридаги Орзу маҳалласи ҳудудида жойлашган "Саховат" уйи **120** ўринга мослаштирилиб, қайта реконструкция қилина бошланди. Давлат раҳбари вилоятга сафари чоғида ана шу жойда ҳам бўлиб, қариялар билан суҳбатлашиб, шароитларни кўрганди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида Франциянинг "Suez" компанияси вице-президенти билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида **сув таъминоти** тизимларини модернизациялаш бўйича лойиҳалар муҳокама қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Қорақалпоғистон Республикасида "Қорақалпоқ-агро" эркин иқтисодий зонаси фаолияти ташкил этилди. Унга кўра, 12 та тумандан **875,4** гектар ер майдони ажратилади.

# БУНЁДКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 25 февраль куни Тошкент вилоятида амалга ошириладиган бунёдкорлик лойиҳалари тақдимоти билан танишди.



Сурат president.uz сайтидан олинди.

Улардан бири – Тошкент вилоятининг Қибрай туманида, "Тошкент-Шарқий" аэродроми яқинида 155 гектарлик боғ барпо этиш лойиҳаси. Уни ишлаб чиқишда дунё мегаполисларидаги машҳур паркларнинг ландшафти, қулайликлари ўрганилган. Бу боғ фақат дарахтзор, бута ва гуллардан иборат ўзига хос дендропарк бўлиши кўзда тутилган. Бу пойтахтимиз экологиясига катта таъсир кўрсатадиган, аҳоли ва меҳмонлар сайр қиладиган "яшил ҳудуд" бўлади.

Мазкур боғнинг ёнида Олимпия шаҳарчаси қурилиши режалаштирилмоқда. Маълумки, Осиё Олимпия кенгашининг қарорига кўра, 2025 йилда Ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинлари Тошкентда ўтказилади. Унда қитъамиздаги 45 та мамлакат ёшлари 20 га яқин спорт тури бўйича баҳслашади.

Айтиш жоизки, бундай нуфузли халқаро мусобақа Ўзбекистон тарихида биринчи маротаба ўтказилади. Давлатимиз раҳбари бу мамлакатимизга кўрсатилган катта ишонч эканини, ушбу мусобақага ҳозирдан бошлаб пухта тайёргарлик кўриш кераклигини таъкидлаган эди.

Шу мақсадда 160 гектар майдонда Олимпия шаҳарчаси қуриш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилган. Чирчиқ дарёсининг 5 километрдан зиёд қисмида қирғоқларни тартибга келтириб, эшкак эшиш бўйича мусобақалар учун зарур шароит яратиш мўлжалланган. Унинг бўйларида эса 270 гектарлик парк барпо этилиши режалаштирилган.

Шунингдек, Қибрай туманининг ушбу ҳудудида 2 та университет, шифохона, экспо, савдо ва кўнгилочар марказ бинолари жойлаштирилиши назарда тутилмоқда.

Президент лойиҳаларни сифат ва қулайлик жиҳатидан такомиллаштириш, иншоотларни қуришда жаҳондаги энг илғор тажрибаларни қўллаш бўйича кўрсатмалар берди.

**ЎзА.**

# ШАҲАРСОЗЛИК КОДЕКСИ
## янги таҳрирда тасдиқланди

**2021 йил 22 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини тасдиқлаш ҳақида»ги қонунни имзолади. Ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси янги таҳрирда тасдиқланди.**

85 та моддадан иборат янги таҳрирдаги Шаҳарсозлик кодексида асосан қуйидаги янгиликлар акс этган:

"аҳоли пункти", "шаҳар", "шаҳарча" ва "қишлоқ (овул)" каби объектлар турлари, "ўзбошимчалик билан қурилиш қилиш", "урбанизация" тушунчалари, шаҳарсозлик фаолиятида фуқаролар муҳокамаси иштироки ва бошқа ибораларга тушунчалар берилмоқда;

шаҳарсозлик фаолиятининг асосий принциплари алоҳида моддада ўз аксини топган бўлиб, ушбу принциплар аҳоли пунктларининг комплекс ва барқарор ривожланишини таъминлаш, қурилишга рухсат бериш жараёнининг ошкоралиги ва очиқлигини таъминлаш каби масалаларга йўналтирилган;

шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш юзасидан тегишли нормага янги меъёрлар киритилиб, улар билан вазирлик ва идоралар шаҳарсозлик қоидаларини ишлаб чиқиш ва тегишли ўзгартиришларни, шунингдек, шаҳарсозлик нормаларидан чекиниш зарурати вужудга келганда махсус техник шартлар ишлаб чиқилишини махсус ваколатли давлат органи билан келишиб бориш йўлга қўйилиши белгиланмоқда;

лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича янги моддалар киритилиб, мазкур моддаларда экспертларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, жумладан, ҳар бир эксперт берган хулосаси юзасидан қонун олдида жавоб бериши белгиланмоқда;

қурилишни назорат қилиш борасида янги нормалар киритилган бўлиб, улар билан қурилишни назорат қилиш турлари, қурилишни давлат томонидан назорат қилувчи инспекциялар, техник, муаллифлик ва ички назоратнинг ваколатлари белгиланмоқда;

қурилишда суғурталаш бўйича янги модда киритилмоқда;

аҳоли пункти бош режаларининг лойиҳалари муҳокамасида жамоатчилик иштирокини таъминлашга қаратилган алоҳида моддалар киритилиб, улар шаҳарсозлик соҳасида қарорларни қабул қилишда фуқаролар фикрлари кенг ўрганилишига, ортиқча маблағлар сарфланиши ҳамда инсонлар норозилигининг олдини олишга қаратилган;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги тақиқларни акс эттирувчи янги меъёрлар киритилиб, улар қурилиш жараёнига ваколатга эга бўлмаган шахсларнинг аралашувига чек қўйиш, шаҳарлар ва туманлар марказларида қурилиши тугалланган мавзелар, кўп қаватли турар жой микрорайонлари ҳудудларида бош режаларда назарда тутилмаган ишлаб чиқариш, савдо, умумий овқатланиш, сервис хизмати кўрсатиш ва бозор инфраструктурасининг объектларини қуришни тақиқлаш, энг асосийси, якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган ер участкаларида уч ва ундан ортиқ қаватли (кўп квартирали) уйларни қуришни тақиқлашга йўналтирилган;

юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарнинг ўрни қопланишининг асосий йўналишларини белгилаб берадиган норма янги бандлар билан тўлдирилиб, улар ҳудудларни комплекс ривожлантиришга қаратилган давлат дастурлари ва инвестиция лойиҳалари доирасида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган бино ва иншоотлар жойлашган ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатларини янада мустаҳкамлашни таъминлашга ҳамда етказилган зарарларни қоплашда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф қилишга имконият яратишга қаратилган.

# Жиззахнинг 16 қаватли бинолари

**Фозилжон ҚОСИМОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Бундан бир неча йиллар илгари Жиззахда 16 қаватли турар жой бинолари барпо этилар экан, дейишса ҳеч ким ишонмаган бўларди.**



Тажрибали қурувчи Шодиёр Эргашев Европанинг қатор давлатларида бўлиб, кўплаб баланд биноларнинг қурилиш жараёнларини кўргач, ўзи бош бўлиб осмонўпар бинолар қурилишида иштирок этишни ният қилганди. Мана бугун унинг орзулари амалга ошди. 16 қаватли бино қурилишининг сўнгги қаватлари якунланиш арафасида. Унинг ўзи "Bobur temir qurilish materiallari" МЧЖ қурувчиларига иш бошқарувчилик қилмоқда.

– Ҳозирда қурилиш ишлари жадал кетмоқда, ишчилар икки сменада ишлашяпти. Туркия давлатидан 1 нафар мутахассис жалб килганмиз. У Россия ва бошқа давлатларда осмонўпар бинолар қуриш борасида катта тажриба тўплаган, – дейди Шодиёр Эргашев.

Осмон билан бўйлашган қурилишда 105 нафар қурувчи иштирок этяпти. Сурхондарё, Хоразм, Самарқанд, Жиззах, Тошкент, Андижон вилоятларидан келган бунёдкорлар жавлон уриб меҳнат қилишмоқда. Уларнинг ишлаши ва дам олишлари учун барча шароитлар яратилган.

Айтиш жоизки, вилоятда осмонўпар бинолар биринчи марта қурилаётгани сабабли жиззахликларнинг қизиқиши юқори. Биноларнинг дизайни Самарқанд шаҳридаги "UNIVER PRO STILL" МЧЖ томонидан ишлаб чиқилиб, уларнинг бетон деворлари ёзда иссиқ, қишда совуқ ўтказмайдиган махсус қопламалар билан қопланяпти.

Ушбу уйлар атрофида болаларга мўлжалланган майдончалар, машиналар учун тураргоҳлар ташкил қилиш режалаштирилган. Эътиборлиси, қурилишда ишлатилаётган ҳамма маҳсулотлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган. Қурувчиларнинг таъкидлашларича, бу турар жойлар жорий йилнинг декабрь ойида топширилиши режалаштирилган, лекин улар совуқ кунлар бошланмасдан олдин топширишни мақсад қилишган.

Маълумот ўрнида, мазкур қурилишнинг лойиҳа нархи 28,5 миллиард сўм бўлиб, унинг 30 фоизи корхона томонидан қопланади. Қурилиш ишларининг 70 фоизи эса АТИБ "Ипотека-банк" томонидан ажратилган кредит ҳисобига амалга оширилади.

Танишинг: янги раҳбар

# МАҚСАД САРИ ИНТИЛИШ
## тарихий шаҳар кўркига кўрк қўшади



*Шуҳрат Жумаев Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтида таҳсил олган. У қатор ташкилотларда меҳнат қилиб, 2010 йилдан Самарқанд тумани ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникация ва саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари бўлиб ишлаган. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг буйруғига биноан Шуҳрат Жумаев яқинда Самарқанд шаҳар ҳокимлиги қурилиш бўлими бошлиғи – шаҳар бош архитектори этиб тайинланди.*

**Янги раҳбар шаҳардаги бунёдкорликлар ва режалар юзасидан мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:**

– Нодир меъморчилик ёдгорликлари бор шаҳарлар дунёда жуда кам. Самарқанд ноёб осори атиқаларни бағрида асраб-авайлаётган шаҳарлардан бири. Кўҳна кентга ташриф буюраётган зиёратчилар аждодларимиз қолдирган меросдан ҳайратга тушиш билан бирга, мустақиллик йилларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ободончилик туфайли қайта чирой очаётган рўйи замин жамолидан баҳра олиш истагида эканлигини сезиш қийин эмас. Аваламбор ана шу нуқтаи назардан фаолиятни йўлга қўйганлигимиз беқиёс ютуқларга йўл очмоқда. Негаки, Юртбошимиз ташаббуси билан қадимий шаҳарни янада гуллаб-яшнаши борасида амалга оширилаётган ишлар чиндан эътирофга сазовор.

Самарқанд шаҳрида туризмни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераяпти. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси топшириғи билан 2016 йилда шаҳарнинг 2040 йилгача бўлган бош режаси тайёрланиб, республика меъморчилик-шаҳарсозлик кенгаши муҳокамасига қўйилганлиги, айни пайтда барча бунёдкорлик, қурилиш юмушлари мазкур ҳужжат асосида олиб борилаётганлиги эътиборга молик.

Президентимизнинг 2019 йил 26 июль куни вилоятга ташрифи чоғида берган топшириқлари ўз ижросини топаётганини таъкидлаш ўринлидир. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 майдаги "Самарқанд шаҳрида 2019 – 2022 йилларда амалга ошириладиган улкан бунёдкорлик ишлари тўғрисида"ги 415-сон қарори ҳам изчиллик билан бажаришга киришилган. Ҳозир шаҳарга келган киши ўзини катта қурилиш майдонига киргандек тасаввур этишининг боиси шундан. Чунки барча кўчаларда ижтимоий масалаларни шакллантиришга киришилган.

4-бет




**Маълумки, сўнгги йилларда қурилиш соҳаси рақамлаштирилиб, ушбу саъй-ҳаракат ва меҳнатнинг самараси эса кўзга кўрина бошлади. “Шаффоф қурилиш” ахборот тизими ишлаб чиқилди. Қурилишдаги электрон тендерлар ҳам улкан мақсадларнинг бир бўлаги бўлди. Электрон рейтингда юқори ўринларни эгаллаган қурилиш ташкилотларининг тендерда ютиш имконияти катта бўлади. Электрон рейтинг ва электрон тендер бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 февралдаги “Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 55-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қурилиш вазирлиги томонидан электрон платформа яратилди. Унинг ишлаш тартиби эса вақтинчалик Низом асосида белгиланди. Низомга кўра иштирокчи (оферент) объектнинг қиймати ва хавф-хатар тоифасига қараб, қурилиш ташкилотларининг қуйидаги электрон рейтингида ижобий кўрсаткичларга эга бўлгандагина танловга киритилади:

**I хавф-хатар тоифасидаги объектлар учун:**

– қиймати 1 млрд сўмгача (қурилиш объекти қиймати) – “DD” ва ундан юқори;

– қиймати 1 млрд сўмдан 2 млрд сўмгача – “DDD” ва ундан юқори;

– қиймати 2 млрд сўмдан 6 млрд сўмгача – “C” ва ундан юқори;

– қиймати 6 млрд сўм ва ундан юқори – “CC” ва ундан юқори электрон рейтинг баҳосига эга;

**II хавф-хатар тоифасидаги объектлар учун:**

– қиймати 5 млрд сўмгача – “CC” ва ундан юқори;

– қиймати 5 млрд сўмдан 10 млрд сўмгача – “CCC” ва ундан юқори;

– қиймати 10 млрд сўмдан 20 млрд сўмгача – “B” ва ундан юқори;

– қиймати 20 млрд сўмдан 30 млрд сўмгача – “BB” ва ундан юқори;

– қиймати 30 млрд сўм ва ундан юқори – “BBB” ва ундан юқори электрон рейтинг баҳосига эга;

**III хавф-хатар тоифасидаги объектлар учун:**

– қиймати 10 млрд сўмгача – “CC” ва ундан юқори;

– қиймати 10 млрд сўмдан 20 млрд сўмгача – “CCC” ва ундан юқори;

– қиймати 20 млрд сўмдан 40 млрд сўмгача – “B” ва ундан юқори;

– қиймати 40 млрд сўм ва ундан юқори – “BB” ва ундан юқори электрон рейтинг баҳосига эга;

**IV хавф-хатар тоифасидаги объектлар учун:**

– қиймати 20 млрд сўмгача – “CC” ва ундан юқори;

– қиймати 20 млрд сўмдан 50 млрд сўмгача – “CCC” ва ундан юқори;

– қиймати 50 млрд сўмдан 80 млрд сўмгача – “B” ва ундан юқори;

– қиймати 80 млрд сўмдан 110 млрд сўмгача – “BB” ва ундан юқори;

– қиймати 110 млрд сўм ва ундан юқори – “BBB” ва ундан юқори электрон рейтинг баҳосига эга.

Танловда ягона оферент иштирок этганда ёки бирорта ҳам оферент иштирок этмаганда, харид комиссияси танловга кириш учун оферентларга нисбатан қўйилган электрон рейтинг баҳони пасайтириш ҳуқуқига эга.

# Каттақўрғонликларга баҳор совғаси

**Ислом ИБОДУЛЛА.**

**Президентимизнинг 2019 йил 28 ноябрдаги “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш доирасида Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳри ҳудудида қад ростлаган 12 қаватли уй-жой қурилиши якунланиш арафасида.**

Каттақўрғон шаҳри ва тумани алоҳида маъмурий бошқарувга эга бўлиб, аҳолининг уй-жойга муҳтож қисми асосан шаҳарда яшайди. Шу сабаб, Самарқанд шаҳридаги қурилишларга параллел равишда Каттақўрғон шаҳрида ҳам янги турар жой бинолари қурилиши режалаштирилган.

Шаҳарнинг Чинобод ва Амир Темур маҳалласи ҳудудида “Agromir buildings” МЧЖ томонидан қурилаётган кўп қаватли бинода сўнгги монтаж, пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Ўз бағрига 108 та хонадонни қамраб оладиган иншоот баҳорнинг илк ҳафтасида каттақўрғонликлар учун муносиб совға бўлиши кутиляпти. Шаҳарсозлик андозаларига тўлиқ жавоб берадиган мазкур бинода яшовчилар учун барча қулайликлар яратилган.

Бу хонадонлар, биринчи навбатда, кам даромадли, ижтимоий қўллаб-қувватлашга ва уй-жойга муҳтож фуқароларга ажратилади. Шунингдек, мазкур тоифа вакиллари учун ипотека кредитларининг бошланғич тўловлари ёки фоизларининг бир қисми Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланиши кўзда тутилган. Режа доирасида, шаҳарда яшовчи 95 нафар фуқарога субсидиялар ажратиш белгиланган.

Водийдан дараклар

## Жомашўйда янги клиника

**Мингбулоқ тумани маркази – Жомашўйда янги “New stom class” стоматология клиникаси иш бошлади.**

Шифохона хусусий тадбиркор Ойбек Тўраев қуриб битказган уч қаватли кўркам бинода жойлашган. Уни бунёд этиш учун 1,2 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Шифохона замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган. Беморларга юқори малакали врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатмоқда.

## Меҳнатободда янги МТТ қуриляпти

**Наманган шаҳрининг Меҳнатобод маҳалласида замонавий хусусий болалар боғчаси биносини тиклашга киришилди.**

Бу ерда таълим-тарбия ишлари Жанубий Корея тажрибаси асосида ташкил этилади. Бу борада мазкур мамлакатнинг икки компанияси билан келишувга эришилган. Бўлажак жажжилар маскани 200 ўринга мўлжалланган.

## Ғовада янги масжид

**Яқинда Чуст туманининг тоғолди ҳудудида жойлашган Ғова қишлоғида хайрли ишга қўл урилди – “Эшонлар” жоме масжидининг янги биносини қуриш бошланди.**

Лойиҳачилар бу ерда 2 600 нафар киши бир йўла ибодат қила олишини мўлжаллашган. Масжид қурилишида миллий меъморчилик анъаналаридан кенг фойдаланилади.

## Маҳаллалар обод бўлмоқда

**Наманган вилоятида ҳам “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастури асосида бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Натижада ўнлаб аҳоли пунктларининг қиёфаси замонавий тус олди, янги кўчалар ва гузарлар пайдо бўлди.**

– Яшаётган жойингиз обод бўлса, кайфият кўтарилади, – дейди вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси масъул ходими Абдужаббор Нишонов. – Энг муҳими, юз бераётган ўзгаришлардан одамларнинг эртанги кунга ишончи ортади.

Бу борада Тўрақўрғон туманида рўёбга чиқарилаётган лойиҳалар диққатга сазовор. Ҳозиргача қишлоқ ва маҳаллаларни ободонлаштириш бўйича дастурларга кўра “Куймозор”, “Ибрат”, “Еттикон”, “Зарбдор” сингари МФЙларда ички йўллар яхшиланди. Кўплаб маданий-маиший бинолар, турар жойлар қад кўтаргани қишлоқлар қиёфасини янада кўркамлаштирилди.

Шу кунларда тумандаги Шарқ, Кужрон, Қодиробод ва Сарой маҳаллаларида ҳам ободончилик ишлари кенг тус олмоқда. Ўз навбатида аҳоли хонадонлари ҳам тартибга келтириляпти. Туман марказидан анча олисда жойлашган Узумзор маҳалласида 1 700 дан ортиқ аҳоли яшайди. Бу жойда белгиланган режага биноан 3 та трансформатор ишга туширилади, салкам тўрт километр узунликдаги паст кучланишли электр тармоқлари буткул янгиланади. Марказий кўчаларни ёритиш учун 100 та тунги чироқ ўрнатилади. Фақат бу эмас, ичимлик суви



таъминотини яхшилаш мақсадида янги артезиан қудуғи ишга туширилади. 2,5 километр масофадаги кўчаларга шағал ётқизилади. Тез орада маҳалла фуқаролар йиғини учун янги мажмуа қурилиши бошланади ва бу ерда фаоллар учун қулай шарт-шароитлар яратилади.

Бундай мисолларни вилоятнинг бошқа туманларидан ҳам келтириш мумкин. Масалан, Янгиқўрғонда ўтган йили маҳаллаларни ободонлаштириш учун ҳар бир секторга 500 миллион сўмдан маблағ ажратилганди. Шу ҳисобига 30 километр йўл мукаммал таъмирланди, 11,5 километр узунликда ичимлик сув тармоғи тортилди. “Қорасув” МФЙдаги кўп қаватли уйларнинг томлари ва олд қисми тўла таъмирдан чиқарилди.

Халқ депутатлари туман кенгаши депутати Гулчеҳра Усмsecurityованинг маълум қилишича, бу йил бултур бошланган эзгу ишлар давом эттирилади. Бунинг учун икки миллиард сўм маблағ ажратилди. Шу ҳисобига “Бирлик” МФЙда ҳам анчагина ишлар амалга оширилади.

## Бунёдкорлик ишларининг давоми

**Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида саноат корхоналари сони яна биттага ортмоқда. “Маърифат” маҳалласида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари якунига етгач, “Ал–Ҳаким” хусусий корхонасига қарашли тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш фабрикаси ўз фаолиятини бошлайди. Бунинг ҳисобига 500 нафар хотин-қизлар доимий иш жойига эга бўлади.**

Бугунги кунда Избоскан тумани ҳам катта қурилиш майдонига айланган. Улар орасида “Soxib omad barakasi” МЧЖ томонидан барпо этилаётган ишлаб чиқариш корхонасида келгусида 2 минг нафар ҳамюртларимиз фаолият юритади. Улар томонидан бир йилда 10 минг донадан зиёд кийим-кечаклар ишлаб чиқарилади ва 5,5 миллион долларлик маҳсулот хорижга экспорт қилинади.

– Бу каби ҳаракатлар Андижон туманида ҳам жадаллик билан олиб борилмоқда, –дейди туман ҳокимлиги Матбуот хизмати раҳбари Маҳфурахон Ортиқова. – “Саноат” маҳалласидаги “KB Gold Selin” МЧЖ томонидан бунёд этилаётган корхонада ишлар авжида.

Туманда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишар эканмиз, “Водий саноат фахри” МЧЖга қарашли матони бўяш ва ишлаб чиқариш корхонасида ҳам янги лойиҳага қўл урилибди. 6 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи мазкур лойиҳа туфайли бир кунда 15 тонна хом ашёга гул босиш ва мато бўяш имконияти яратилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 70 фоизини экспорт қилиш режалаштирилган. Корхонада 120 та янги иш ўрни яратилади.

Бир сўз билан айтганда, вилоятнинг қай бир ҳудудига борманг, қурилиш ишларини кўрасиз. Қисқа муддатда фойдаланишга топширилиши кутилаётган ишлаб чиқариш корхоналари тараққиёт ва фаровонликка хизмат қилиши шубҳасиз.

## Кичик Тагобдаги катта ўзгаришлар

**Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги “Кичик Тагоб” МФЙ ҳудудида ташкил қилинган “Кичик Тагоб” кичик саноат зонасига 14 та лойиҳа ташаббускори лотларга жойлаштирилди. Уларнинг аксарияти ёш тадбиркорлардир.**

Кўплаб имтиёз ва шароитлар яратилган мазкур кичик саноат зонасига 4 километр масофадан электр тармоғи, 2 километрдан ичимлик суви келтириш ҳамда 2,5 километрдан газ тармоғини тортиш ишлари ҳам жадаллик билан олиб борилмоқда.

– Ҳозирда “Моҳизар пласт” хусусий корхонасида полиэтилен плёнкалар ишлаб чиқаряпмиз, – деди тадбиркор Шерзод Эргашев. – Беш нафар ҳамқишлоғимни доимий иш билан таъминладим. Келгусида корхонани янада кенгайтириш ниятим бор. Бунинг учун имкониятлар етарли. Лекин анчадан буён жой масаласи муаммо бўлиб келарди. Яқинда туман ҳокимлигининг ёрдами билан шу ерга жойлашдик. Энди ишлаш учун барча имконият яратилган. Лойиҳамизнинг қиймати 500 миллион сўмни ташкил қилади. Корхонани кенгайтириш ҳисобига қўшимча яна 10 та ишчи ўрни яратмоқчиман.

Бу жойга ташриф буюрган туман ҳокими тегишли мутасаддилар билан суҳбатлашиб, навбатдаги вазифаларни ўз муддатида сифатли амалга ошириш юзасидан топшириқлар берди.

## Давлат дастури – дастуриламал

**Ҳудудларни комплекс ривожлантиришда Давлат дастурининг аҳамияти катта бўлмоқда. Жумладан, “Обод қишлоқ” дастури доирасидаги ишлар туфайли аҳоли турмуш даражаси яхшиланяпти.**

Бу борада барча идоралар жиддий ишлар қилишяпти. Масалан, “Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ томонидан ишчи гуруҳи ташкил этилиб, шароити энг оғир ҳудудларда бажарилиши муҳим бўлган масалаларнинг ижобий ечимини таъминлашга киришилди.

Айни пайтда вилоятдаги 16 та туманда режага мувофиқ 24,7 км узунликдаги паст кучланишли электр тармоқлари тортилиб, 15 та янги трансформатор пункти ўрнатилади. 38,4 км тармоқдаги 21 та трансформатор пункти мукаммал таъмирдан чиқарилади.

– Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 23 ноябрдаги “2017-2021 йилларда паст кучланишли электр тармоқларини янада модернизация қилиш ва янгилаш дастури тўғрисида”ги қарорига асосан 2 256 км электр тармоқлари тортилиб, 985 та трансформатор пункти ўрнатилди, – дейди “Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ бош директори А. Жўраев. – Жорий йилги Давлат дастури асосида вилоят бўйича 1 146 км электр тармоқлари тортилиб, 306 та янги трансформатор пункти ўрнатилиши кўзда тутилган.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
**Зиё СИРОЖ,**
**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**Тошкент вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бўйича “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси**

**томонидан киритилган қуйидаги объект бўйича:**

**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

| Т/р | Объект номи | Бошланғич қиймати (сўм, ҚҚС билан) | Қурилишни тугаллаш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент вилояти, Ангрен шаҳридаги 50 ўринли вақтинча сақлаш ҳибсхона қурилиши | 5 145 013 427 | 110 кун |

**Буюртмачи:** Тошкент вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бўйича “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси.

**Буюртмачи манзили:** Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, “Бектемир” МФЙ, Яшил водий кўчаси, 45-уй.

Молиялаштириш манбаи: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, етарли касбий ва техникавий малакали мутахассисларга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари, қонун ҳужжатларига мувофиқ, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси – Тошкент вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этишлари мумкин:** Тошкент шаҳри, А. Навоий кўчаси, 18-уй.

**Телефон (факс):** 71-241-15-26, 71-241-15-37.

**Электрон манзил:** toshkonsaltingtorg@bk.ru

Иштирокчилар тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича www.xarid.uz махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.

**Таклиф, (оферта) очилиши www.xarid.uz махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:** Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги биносида.

**“Respublika mulk markazi” МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига “Махсусюктранс” МЧЖ-га тегишли, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 1-уй манзилида сақланаётган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

1. 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 1870 AA бўлган “OZCKYRAT” русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич баҳоси** – 50 068 000 сўм.

2. 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 1857 AA бўлган “OZCKYRAT” русумли автомашина, **бошланғич баҳоси** – 50 549 114 сўм.

3. 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 1860 AA бўлган “OZCKYRAT” русумли автомашина, **бошланғич баҳоси** – 51 031 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2021 йил 26 март куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 24 март куни соат 16.00 гача.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2021 йил 26 март куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдоси 2021 йил 12 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2021 йил 9 апрель соат 16.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “RMM” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2260 4000 2005 7145 2001 ХАТБ “Давр банк” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

# “Universal Auktsion Invest” МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

**2021 йил 29 март куни соат 11.30 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 271-уйда жойлашган хусусий нотариал идорасининг 2021 йил 11 февралдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) “Oloy-Invest” МЧЖ томонидан аукцион савдоларига қўйилмоқда:**

1. 202102193001447-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 10 285 175 сўм.
2. 202102193001448-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 241 840 сўм.
3. 202102193001449-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 740 475 сўм.
4. 202102193001450-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 11 991 267 сўм.
5. 202102193001451-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 10 235 023,25 сўм.
6. 202102193001452-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 251 679,25 сўм.
7. 202102193001453-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 462 642,20 сўм.
8. 202102193001454-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 211 254,20 сўм.
9. 202102193001457-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 807 003,72 сўм.
10. 202102193001458-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 136 393 сўм.
11. 202102193001459-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 660 421,40 сўм.
12. 202102193001460-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 513 839,08 сўм.
13. 202102193001461-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 059 119,88 сўм.
14. 202102193001462-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 783 339,40 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан “Oloy-Invest” МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 1-уй.

Юқоридаги мулклар 2021 йил 29 март куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар душанба ва жума кунлари соат 11.30 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар “Закалат пули тўғрисида”ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Universal Auktsion Invest” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 0049 3216 8025 АТ “Турон банк” Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.

**Шунингдек, аукцион савдосида қатнашиш учун қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун тел.:** 71-236-74-67.
**Веб-сайт:** www.uai.uz.

*004059 рақамли гувоҳнома.*

# «Universal Auktsion Invest» МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

**2021 йил 29 март куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 271-уйда жойлашган хусусий нотариал идорасининг 2021 йил 11 февралдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) “Yengil Kredit Mikrokredit Tashkiloti” МЧЖ томонидан аукцион савдоларига қўйилмоқда:**

1. 202102193001498-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 033 016,87 сўм.
2. 202102193001495-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 9 362 330,87 сўм.
3. 202102193001500-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 630 100 сўм.
4. 202102193001501-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 728 875 сўм.
5. 202102193001502-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 664 632,85 сўм.
6. 202102193001497-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 9 490 668,25 сўм.
7. 202102193001496-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 6 236 000 сўм.
8. 202102193001503-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 6 800 869,87 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан “Yengil Kredit Mikrokredit Tashkiloti” МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Т. Малик кўчаси, 3-уй.

Юқоридаги мулклар 2021 йил 29 март куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар чоршанба ва жума кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисида»ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 0049 3216 8025 АТ «Турон» банк Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.

**Шунингдек, аукцион савдосида қатнашиш учун қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун тел.:** 71-236-74-67.
**Веб-сайт:** www.uai.uz.

*004059 рақамли гувоҳнома.*

# ОБЪЯВЛЕНИЕ О ПРОВЕДЕНИИ КОНКУРСА!

## Корейский фонд международного здравоохранения Республики Корея и Национальный детский медицинский центр (Заказчик)

## ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕР

## на закупку набора инструментов, предназначенных для проведения хирургических вмешательств по педиатрической гипоспадии.

**Конкурс проводится по адресу:** Республика Узбекистан, г. Ташкент, Яшнабадский район, ул. Паркентская, 294 (ориентир: Болалар миллий тиббиёт маркази), E-mail: uzbnch@gmail.com.

К рассмотрению будут приняты конкурсные предложения в конвертах, опечатанные участниками конкурса и поступившие по вышеуказанному адресу в срок 10 дней начиная с 26 февраля 2021 года.

Вскрытие конвертов с предложениями участников конкурса состоится в 14.00 10 марта 2021 года.

**Конверт №1,** содержит квалификационную анкету участника Конкурса, к которому должно быть приложено Техническое предложение, подготовленное в соответствии с Техническим заданием.

**Конверт №2,** содержит коммерческое предложение, подготовленное в соответствии с Техническим заданием и условиями проекта договора.

**Общий конверт, конверты №1 и №2 должны быть опечатаны и подписаны.**

***Примечание:*** *документы, входящие в конверт №1, не должны содержать никакой информации относительно цены Конкурсного предложения. Все цены, тарифы и итоговые суммы, составляющие Предложение, должны содержаться только в документах конверта №2.*

**Откровение I конверт (этап) –** общая квалификационная оценка и техническая оценка.

**II конверт (этап)** – коммерческая оценка.

### ТЕХНИЧЕСКОЕ ЗАДАНИЕ КОНКУРСА

**Заказчик:** Корейский фонд международного здравоохранения Республики Корея и Национальный детский медицинский центр.

**Предельная стоимость конкурса** – 126 000 000 сум. Цены, указанные в конкурсном предложении, не должны превышать предельную стоимость включая НДС.

| № | Наименование инструмента | Количество набора | Модель | Размер (мм) | Вес (г) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Хирургическая головная лампа | 5 | LLM1582-82<br>LLM1574-74 | 82<br>74 | 35,1<br>32,8 |
| 2. | Хирургический ретрактор (Нержавеющая сталь) | 1 | 2200 | 27,5 cm x 18,4 cm | 795 |

**Срок поставки товаров:** 60 дней с заключением контракта.
**Наименование объекта (место поставки):** Национальный детский медицинский центр.
**Страхование товара:** товар должен быть полностью застрахован от случайных повреждений, потери или других воздействий, приводящих его в негодность в период транспортировки и временного хранения.
**Требования по гарантийному и послегарантийному обслуживанию:** гарантийный срок на оборудование должен быть не менее 12 месяцев.

# “Universal Auktsion Invest” МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

**2021 йил 29 март куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 271-уйда жойлашган хусусий нотариал идорасининг 2021 йил 11 февралдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) “Artfam-Invest” МЧЖ томонидан аукцион савдоларига қўйилмоқда:**

1. 202102193001463-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 073 975 сўм.
2. 202102193001464-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 892 175 сўм.
3. 202102193001465-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 828 245 сўм.
4. 202102193001466-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 528 475 сўм.
5. 202102193001467-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 376 975 сўм.
6. 202102193001468-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 664 925 сўм.
7. 202102193001469-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 831 475 сўм.
8. 202102193001470-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 8 497 475 сўм.
9. 202102193001471-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 9 103 475 сўм.
10. 202102193001472-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 764 715 сўм.
11. 202102193001473-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 355 424,60 сўм.
12. 202102193001474-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 7 499 595 сўм.
13. 202102193001475-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 7 499 595 сўм.
14. 202102193001476-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 597 392,36 сўм.
15. 202102193001477-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 508 287,08 сўм.
16. 202102193001478-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 061 531,80 сўм.
17. 202102193001479-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 360 976,60 сўм.
18. 202102193001480-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 735 282,60 сўм.
19. 202102193001481-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 136 393 сўм.
20. 202102193001482-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 457 090,20 сўм.
21. 202102193001483-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 082 784,20 сўм.
22. 202102193001484-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 007 923 сўм.
23. 202102193001485-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 10 074 820,28 сўм.
24. 202102193001486-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 151 365,24 сўм.
25. 202102193001487-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 211 254,20 сўм.
26. 202102193001488-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 986 670,60 сўм.
27. 202102193001489-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 768 367,16 сўм.
28. 202102193001490-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 109 588,60 сўм.
29. 202102193001491-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 528 811,32 сўм.
30. 202102193001492-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 109 588,60 сўм.
31. 202102193001493-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 12 066 128,20 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан “Artfam-Invest” МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 9-уй.

Юқоридаги мулклар 2021 йил 29 март куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар душанба ва жума кунлари соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар “Закалат пули тўғрисида”ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Universal Auktsion Invest” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 0049 3216 8025 АТ “Турон банк” Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.

**Шунингдек, аукцион савдосида қатнашиш учун қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун тел.:** 71-236-74-67.
**Веб-сайт:** www.uai.uz.

*004059 рақамли гувоҳнома.*

# “Regionlararo mulk markazi” МЧЖ

## бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига “TELEKOM QURILISH” МЧЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Паркент кўчаси, 327-уй манзилида сақланаётган 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 277 ZCA бўлган “Cobalt” русумли автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 64 809 900 сўм.

Аукцион савдолари 2021 йил 4 март куни соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 3 март куни соат 16.00 гача.

Автотранспорт воситаси 2021 йил 4 март куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2021 йил 11, 18 март кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир кун олдин 18.00 да тўхтатилади. Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари лозим:** 2260 4000 5052 6588 2001 ХАТБ “DAVR-BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 307 638 956.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Тўртариқ кўчаси, 11/2-уй.

**Телефон:** 95-199-12-21, 90-971-20-00.

*880847 рақамли гувоҳнома.*

# “Kim oshdi savdo servis” МЧЖ

## нархлар ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

**2021 йил 30 март куни Урганч шаҳар Шерозий кўчаси, 12-уйда бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги таъмирталаб ҳолатдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

**I.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги 09-АТ-311-сонли хати ва Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси “Ихтисослаштирилган автотранспорт корхонаси” давлат корхонасининг 2021 йил 25 февралдаги 69-сонли хатига асосан Урганч шаҳар Хонқа кўчаси, 136-уйда сақланаётган:

1. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 783 VAA бўлган “Дамас” русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич баҳоси** – 6 156 447 сўм.
2. 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 398 HAA бўлган “Дамас” русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич баҳоси** – 6 208 523 сўм.
3. 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 011 JAA бўлган “Нексия” русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич баҳоси** – 13 737 689 сўм.
4. 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 376 HAA бўлган “ГАЗ-3307” русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич баҳоси** – 8 156 589 сўм.
5. 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 697 WAA бўлган “УАЗ-396292016” русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич баҳоси** – 8 907 282 сўм.

**II.** “Хазорасп пахта тозалаш” АЖнинг 2021 йил 23 февралдаги 2-и/ч-сонли буйруғи ва “Хазорасп пахта тозалаш” АЖнинг 2021 йил 25 февралдаги 01/23-сонли хатига асосан Хазорасп тумани, Н. Машарипов кўчаси, 2-уйда сақланаётган 2017 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 873 WAA бўлган, носоз, таъмирталаб ҳолатдаги “ГБАСПГ Нексия 3” русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич баҳоси** – 30 352 000 (ўттиз миллион уч юз эллик икки минг) сўм.

Қайд этилган автотранспорт воситалари 2021 йил 30 мартдаги очиқ аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2021 йил 17 апрель кунигача расмий иш кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

**Аукцион савдосида иштирок этишни истаганлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– **жисмоний шахслар** – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар закалат шартномасини тузиб, “Kim oshdi savdo servis” МЧЖ ҳисоб рақамига 50 (эллик) фоиз гаров пули тўлаган ҳолда, ариза бериб, рўйхатдан ўтишлари шарт.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар (ахборот ва маслаҳат хизмати) кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

**Тўлов учун реквизитлар:** ҳисоб рақами 2020 8000 0049 5964 3001 АТИБ “Ипотека-банк” Тинчлик филиали МФО 00580 СТИР 302 221 689.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

**Телефон:** 91-421-00-88.
**Веб-сайт:** www.koss.uz

*4621 рақамли гувоҳнома.*

“O‘zbekiston bunyodkori” газетасининг 2020 йил 25 декабрдаги 101(450)-сонида берилган **«CAPITAL TRUST INVEST» МЧЖ** эълонидаги Тошкент шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 40-“А” уй манзилида жойлашган дўкон биноси “DORI-DARMON HCP” МЧЖнинг 2021 йил 23 февралдаги 17-сонли хатига асосан очиқ аукцион савдосидан олинди.

# Янги лойиҳалар асосида иш ўринлари яратилади

Ҳилола ИСМАТОВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва мавқеи тобора ошиб бормоқда. Тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринларини яратиш баробарида аҳоли даромадларини кўпайтириш ва турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётир.**



“Zarafshan Golden Group” компанияси қурилиш, меҳмонхона ва ресторан хизмати, тўқимачилик, металл конструкциялар, тош минералларини қайта ишлаш, темир-бетон, ғишт, оҳак, туз каби маҳсулотларни ишлаб чиқаришда, шунингдек, мева-сабзавотчилик, чорвачилик йўналишларида самарали фаолият кўрсатяпти. Компания ўз олдига юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш орқали ўз миллий брендини яратиш ҳамда замонавий архитектура талаблари асосида сифатли уй-жойлар ва ижтимоий объектларни барпо этишни мақсад қилиб қўйган.

Ишлаб чиқарилган қурилиш маҳсулотлари маҳаллий бозор талабларини қондириш билан бирга, чет элга ҳам экспорт қилинади. Россия, Хитой, Испания, Финляндия, Туркия, Қозоғистон каби давлатларнинг етакчи компаниялари билан узоқ йиллик ҳамкорлик шартномалари тузилган.

Таъкидлаш жоизки, компания томонидан сўнгги уч йилда Навоий вилоятида 30 дан ортиқ кўп қаватли уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Навоий ва Зарафшон шаҳарларида яна ўнга яқин кўп қаватли турар жойлар қурилмоқда.

– Пойтахтимиз – Тошкентда ҳам компаниямиз томонидан 10 та кўп қаватли уйлар бунёд этилди, замонавий уй-жойлар, бизнес маркази ва меҳмонхона мажмуаси, Себзор даҳасида кўп қаватли замонавий турар жойлар тикланди, – дейди “Zarafshon Golden Group” компанияси таъсисчиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Улуғбек Файзиев. – Қурувчиларимиз томонидан қад кўтараётган бу уйларда аҳоли учун барча қулайликлар яратиляпти. Бундан ташқари, “Туронбанк” АТБ билан ҳамкорлик натижасида, Кармана туманида замонавий иссиқхоналар мажмуаси, асаларичилик, боғдорчилик каби йўналишларда ҳамда Қизилтепа туманида ташкил этилаётган янги текстиль фабрикаси каби истиқболли лойиҳаларни амалга оширяпмиз. Шунингдек, Навоий шаҳрида замонавий технологиялар асосида газобетон ва темир-бетон қурилиш материалларини ишлаб чиқариш заводи фойдаланишга топширилиш арафасида.

Россия ва Хитой давлатларидан келган мутахассислар монтаж ишларини якунлашяпти. Янги корхонада 300 нафардан зиёд ишчи-ходим доимий иш билан таъминланади. Фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида доимий изланишдамиз. Яқинда Туркия Республикасида хизмат сафарида бўлиб, у ердан янги лойиҳа ва ғоялар билан қайтдик. Компаниямиз Туркиянинг “Serasan Yapi Teknik” қишлоқ хўжалиги ва инжиниринг иссиқхоналар маркази ҳамда “Varnet Glass Greenhouse Systems” компанияси билан 10 миллион АҚШ долларилик ҳамкорлик битими имзолади. Яқин келажакда вилоятимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг энг замонавий, инновацион усуллари асосида ресурс тежовчи ва интенсив агротехнологияларни жорий этган ҳолда агрокластер яратиш кўзда тутилган. Ҳозирда Кармана туманининг Маликработ қўрғони ҳудудида барпо этилган замонавий иссиқхонада Голландия ва Туркия технологиялари асосида гидропоника усули билан сабзавот маҳсулотлари етиштирилиб, экспортга йўналтирилмоқда. Кейинчалик ички бозорни ҳам таъминлашни мақсад қилганмиз. Халқимизнинг ҳаёт тарзини фаровонлаштириш асосий вазифамиз. Янги лойиҳалар амалга оширилса, икки минг киши меҳнат қилаётган жамоамиз сафига юзлаб мутахассислар кафолатланган иш ўрнига эга бўлади.

Янги лойиҳага асос солиб, қўшимча иш ўринлари яратган тадбиркорлар сафи кун сайин ортиб бормоқда. “КАМЕЛИЯ ГРОУП” МЧЖ раҳбари Комил Эгамов Навоий шаҳрида терини қайта ишлаш заводини ишга туширди. Мазкур корхона бир йилда 9 минг тонна терини қайта ишлаш қувватига эга. Аҳамиятлиси, 30 нафар ёшлар ва аёллар иш билан таъминланди.

Шаҳар кичик саноат зонасида жорий йилда 30 га яқин худди шундай лойиҳалар амалга оширилади. Хусусан, қайиқ, лифт, газобетон, кафель, гилам маҳсулотлари ҳамда бўёқлар ишлаб чиқариш каби қатор корхоналар ташкил этилмоқда. 2021 йилда Навоий шаҳрида тадбиркорлар томонидан умумий қиймати 1 трлн 700 млрд сўм бўлган 76 та лойиҳа амалга оширилиб 1600 тага яқин иш ўрни яратилади.

# Эътирофга лойиқ устоз

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Тошкент давлат транспорт университетида техника фанлари доктори, профессор, фан ва техника соҳасидаги Абу Райҳон Беруний номли Давлат мукофоти соҳиби Абдураҳмон Ишонходжаевнинг 80 йиллик тўйига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда таниқли олимлар, соҳа ривожига салмоқли улуш қўшаётган мутахассислар, профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва талабалар, шогирдлари, дўстлари, оила аъзолари иштирок этди.**



Тошкент шаҳрида таваллуд топган Абдураҳмон Ишанходжаев Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг қурувчи-муҳандис мутахассислигини тугатгач, Ўзбекистон Давлат сув хўжалиги иншоотларини лойиҳалаш институтида муҳандис лавозимида ишлади. Сўнгра “Тошшаҳарқурилиш” Бош бошқармасига қарашли 153-қурилиш трестида қурилиш устаси, иш бажарувчи лавозимларида фаолият юритди. Кейинроқ эса Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси М. Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти аспиранти, кичик ва катта илмий ходими, 1975-1987 йилларда ўзи ташкил қилган Метрополитенлар зилзилабардошлиги лабораторияси мудири лавозимларида меҳнат қилди.

– Олимни кўп йиллардан буён биламан, – деди Тошкент давлат транспорт университети профессори Чориқул Раупов. – Ўша кезлари Абдураҳмон ака Москвада аспирантурада ўқиб қайтгач, кафедра мудири вазифасида фаолият юритган. Ер иншоотларини қуришда зилзилабардошликни оширишга қаратилган ишларнинг илк ташаббускори ҳам у киши эди. Домла Академик Турсунбой Рашидов билан биргаликда Ўзбекистонда ҳам ер ости йўли (тоннель)ни қуриш мумкинлигини исботлаган олим сифатида таниқлидир. Унинг кўплаб шогирдлари бугунги кунда нафақат мамлакатимиз йўл қурилиши, ер ости ва ер усти кўприкларининг барпо этилиши жараёнларида, балки хориж давлатларида ҳам самарали фаолият юритишяпти. Абдураҳмон ака ўзининг етук илмий салоҳияти билан ёш олимларга йўл кўрсатиб келаётган меҳрибон ва ғамхўр олимлардан бири. Ўзбекона лутф, инсонлар билан муомала қилиш маданиятини устоздан ўрганганмиз. Устознинг 4 фарзанди, кўп сонли невара ва эваралари бор.

Абдураҳмон Ишанходжаев Транспорт қурилиши соҳасида етакчи олим сифатида танилган. Унинг раҳбарлигида Тошкент метрополитенининг янги зилзилабардош конструкциялари ва уларни ҳисоблаш усуллари яратилиб, амалиётга татбиқ этилиб, Тошкент метросининг қурилган қисмида юриш ва бекат конструкцияларини динамик таъсирларга синаш бўйича улкан тажрибалар ўтказилди. У 100 дан ортиқ илмий асарлар, шу жумладан, 2 та монография, 2 та дарслик, 18 та чет элда чоп этилган илмий мақола ва ишлаб чиқаришга татбиқ этилган 6 та ихтироларнинг муаллифидир. Олимнинг илмий раҳбарлигида 2 та докторлик ва 11 та номзодлик диссертациялар ёқланди, йўл-кўприк қурилиши бўйича соҳа меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Бугунги кунда Тошкент давлат транспорт университетининг Кўприклар ва тоннеллар кафедраси ўртасида республика ва хорижий мамлакатлардаги йўл-кўприк, метрополитенлар, транспорт тоннелларини лойиҳалаш ҳамда қуриш соҳасидаги ўқув, илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик муассасалари, қурилиш ташкилотлари билан самарали ҳамкорлик ўрнатилган.

Ўзининг қутлуғ 80 ёшини нишонлаётган Абдураҳмон Ишонходжаевнинг ҳаёт ва илмий ижод йўли барчамиз учун ибратли. Унинг соҳа тараққиётига қўшган ҳиссаси муносиб тақдирланган. Фан ва техника соҳасидаги Абу Райҳон Беруний номли Ўзбекистон Давлат мукофоти, “Олий таълим фидойиси”, “Олий таълим аълочиси”, “Йўл усталарининг устози”, “Ўзбекистон Конституциясига 25 йил” нишони каби юксак мукофотлар унинг кўксини безаб турибди.

Тадбирда устознинг шогирдлари, ҳамкасблари, илм-фан тараққиётига ҳисса қўшиб келаётган олимлар сўзга чиқиб, бундан кейин ҳам унинг илм-фан йўлидаги хизматлари ёшлар учун дастуриламал бўлишини эътироф этишди.

# Тадбиркорлик кўпайса, камбағаллик қисқаради

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда муҳим омилдир.**

**Бу борада амалга оширилаётган ишлар бўйича Хоразм вилояти Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жамшид ХОЛМЕТОВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:**

– Бугунги кунда вилоятда 36 минг 356 нафар тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатмоқда.Ўтган даврда 4 632 та кичик бизнес субъектлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва микрофирмалар ташкил этилиши ҳисобига 11,1 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди. Шунингдек, хорижий сармоя иштирокидаги 69 та янги қўшма корхоналар фаолият бошлади. Жорий йилда 6 та кичик саноат зоналарида умумий қиймати 117 млрд сўм бўлган 75 та лойиҳа амалга оширилиши ва 1 297 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. Бугунги кунда умумий қиймати 58,0 млрд сўмлик 46 та лойиҳа амалга оширилиб, 357 та иш ўрни яратилди.

Ишлаб чиқариш, сервис хизмат кўрсатиш ҳамда маҳаллийлаштириш дастурларини ўз ичига олган яна 29 та лойиҳаларда қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Урганч туманида жойлашган “Ар логистик вежетейбл энд Фруитс” МЧЖ томонидан умумий қиймати 7,3 млрд сўм бўлган гўшт ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш лойиҳаси амалга оширилган. Шунингдек, маҳаллийлаштириш дастурига асосан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган 6 та лойиҳа бўйича 55 та янги иш ўрни яратилди.

Жумладан, Шовот туманида жойлашган “Uz Dong Yang Ko” қўшма корхона шаклидаги МЧЖ томонидан “Дамас” автомобилларининг ички безак қисмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада бу жойда ҳам 38 та янги иш ўрни яратилди. Вилоятда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари бўйича тижорат банклари томонидан ўтган йили 293,4 млрд сўмлик кредитлар ажратилиб, бунинг натижасида 15 079 та янги иш ўринлари яратилишига эришилди. Масалан, Урганч туманидаги “Urganch textile carpets” қўшма корхона шаклидаги МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган гиламлар ҳар қандай хорижий корхоналар билан рақобатлаша олади.

Ажратилган кредит маблағлари саноат, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, иссиқхоналар ташкил қилиш, фермер хўжаликларида иш унумдорлигини оширишда фойдаланиладиган замонавий технологиялар сотиб олиш, энергия тежамкор ускуналардан кенг фойдаланишни рағбатлантириш мақсадларига сарфланди.

Шунингдек, умумий қиймати 5,3 трлн сўмлик инвестиция маблағлари ўзлаштирилиши ҳисобига 2 831 та лойиҳа амалга оширилиб, 11 113 нафар кишининг бандлиги таъминланишига эришилди. Жорий йилда ҳам бу йўналишда ишлар изчил давом қилиб, 1 297 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

**“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири Меҳрибон ИСМОИЛОВА ёзиб олди.**

# МАҚСАД САРИ ИНТИЛИШ

## тарихий шаҳар кўркига кўрк қўшади

1-бет

Юқорида айтилганидек, Самарқандда туризмни ривожлантиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш, транспорт йўналишларини кенгайтириш, сайёҳларга мақбул шароитлар яратишда эса шаҳарнинг мавқеи анча юқори эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Эшкак эшиш канали ёқасида махсус туристик марказ қад ростлаётганини мисол қилайлик. Шаҳарга туташ сўлим масканда кўплаб меҳмонхона, йирик анжуманлар зали, ресторанлар, боғ ва сайилгоҳлар қурилиб, халқаро аэропорт, темирйўл вокзали, Имом Бухорий мақбараси, Регистон майдони ва бошқа осори атиқалари билан боғлайдиган кўчалар таъмирланаяпти. Зеро, муқаддас заминни юксалтириш йўлида бошланган ҳар қандай эзгу ният бу ерда мангу қўним топган аждодлар руҳини шод қилиш, келгуси авлодга гуллаб-яшнаган Ватан қолдиришдек хайрли ташаббус ҳисобланади. Шаҳар ҳокими Бобурмирзо Облоқулов, ҳоким ўринбосари Рустам Олимов, ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Отабек Абдуллаев ва бошқа раҳбарларнинг барчаси меҳнатга астойдил киришишган.

Президентимиз томонидан имзоланган “2022 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитига тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши самарқандликлар зиммасига янада катта масъулият юклаб, бошланган ишларни жадаллаштиришга туртки бўлди. Унинг ижросини таъминлаш юзасидан “йўл хариталари” белгиланган.

Айни пайтда кўп қаватли уйлар атрофида, магистраль йўллар ёқасида аниқланган ноқонуний қурилишларни тўхтатиш, моддий-маданий меросга тегишли қадамжоларга зиён етказмасдан, объектни реконструкция қилиш, таъмирлаш учун рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш, архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш, қурилиши тугалланган иншоотларни фойдаланишга топширишни ташкил этиш, соҳада ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни жадаллаштиришга катта аҳамият қаратиляпти. Бунда талбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, Самарқанднинг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланишга кенг йўл берилаётгани айни муддао бўляпти. Яна бир гап: ногиронлиги бўлган шахсларнинг эмин-эркин ҳаракатланиши, яшаш шароитини яхшиланишини таъминлаш мақсадида ҳар қандай лойиҳаларда улар эҳтиёжи ҳисобга олинмоқда.

**“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири Ҳамза ШУКУРОВ ёзиб олди.**

«O‘ZBEKISTON BUNYODKORI» газетасига обуна бўлсангиз, ҳафтада 2 марта, бир йилда 102 марта хонадонингизга етказилади.

Тел.: 71-244-21-71, 71-244-15-13.
Факс: 71-244-40-68, 71-244-05-15.
Эл.почта: uzbunyodkori@umail.uz

Обуна индекси 466

## Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!

Февраль ойининг сўнгги кунларида таваллуд айёмини нишонлаётган

“Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи реклама ва обуна ишлари бўйича бош менежери **Эшмуҳаммад Халилов,**

Бухоро вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ҚМИ бўлими етакчи мутахассиси **Муроджон Раҳмонов,**

Навоий вилояти қурилиш бош бошқармаси юристконсульти **Рустам Арзиев,**

Самарқанд вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси лаборатория бошлиғи **Баннотжон Саатов,**

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Сурхондарё вилояти филиали етакчи мутахассиси **Ўктам Жўраев,**

Хоразм вилояти қурилиш бош бошқармаси қоровули **Шавкат Матёқубов,** Хазорасп тумани қурилиш бўлими Объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор **Баҳромбой Шокиров**ларни чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, файз-барака, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

Баҳор фасли кириб келишига саноқли кунлар қолган ушбу кунларда Бухоро вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғи **Рамазон Нарзиев** ўзининг **60 ёшли қутлуғ сана**сини қарши олади. У бир неча йиллардан буён қурилиш соҳаси, хусусан ҳудудий назорат инспекциясида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда.

Қурилиш вазирлиги жамоаси Рамазон Нарзиевни ана шу сана билан самимий муборакбод этиб, унга сиҳат-саломатлик, куч-қувват, соҳа ривожи учун қилаётган эзгу ишларида муваффақиятлар тилайди.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**Таҳрир ҳайъати:**
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Райҳон Таниқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-243.
2660 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.
**Навбатчи** – Н. Хайруллаева.

ЎзА якуни – 23.20. Топширилди – 00.10.
1 2 3 4 5 6